

# Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 25 апрель, пайшанба, №46 (3392).

»» Президент

## АВТОМОБИЛСОЗЛИК: ЯНГИ ТЕХНОЛОГИК ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИ

**ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ KIA КОРПОРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХО-СУНГ СОНГНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ**

Президент автомобилсозлик саноатини ривожлантириш Қозоғистон саноат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

Хо-сунг Сонг Қасим-Жўмарт Тўқаева Қўстанайда тўлиқ цикли автомобиль завод курилишининг бориши ҳақида маълумот берди. Завод йил охиригача фойдаланишга топширилади.

Лойиҳани амалга ошириш учун 90 миллиард тенгедан ортик сармоя жалб этилди. 1,5 минг доимий иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Заводнинг лойиҳа қуввати йилга 70 минг дона автомобиль ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Хо-сунг Сонг жаҳон миқёсида автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарувчиларни Қозоғистонга жалб этиш борасида ишлар олиб борилаётганини айтди. Хусусан, мамлакатда автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарувчи завод куриш бўйича Кореянинг Seoyong ENWA (KIA автомобиллари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи) компанияси билан шартнома имзоланди.

Давлат раҳбари KIA корпорациясининг Қозоғистонда маҳаллий автомобиль қисмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳақидаги қарорини қўллаб-қувватлашни маълум қилди. Шунингдек, ушбу соҳани ривожлантириш учун малакали маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

Akorda.kz.



### ПРЕЗИДЕНТ МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРДИ

**ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЙЕВ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТДА БЎЛДИ**

Қасим-Жўмарт Тўқаев Шавкат Мирзиёев ва қардош Ўзбекистон халқига мамлакатнинг қатор ҳудудларида содир бўлган сув тошқинлари муносабати билан ҳамдардлик ва ёрдам учун миннатдорчилик билдирди.

Суҳбатда томонлар Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларининг муҳим масалалари, халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш истиқболлари юзасидан фикр алмашдилар.

Мулоқотда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ўзаро манфаатли амалий ҳамкорлик лойиҳаларини илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Давлат раҳбарлари ташки сиёсат ва етакчи халқаро ташкилотлар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик амалга оширилаётганини мамнуният билан қайд этишди.

Суҳбат амалий фикр алмашиш, давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши кўшничилик муносабатлари руҳида ўтди.

Akorda.kz.

### 200 МИНГ ЕВРО ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Европа Иттифоқи сув тошқини пайтида кўп жабрланган оилаларга ёрдам бериш учун 200 минг евро миқдорида инсонпарварлик ёрдами ажратди.

ҚР Қизил Ярим Ой Жамиятини қўллаб-қувватлаш доирасида Европа Иттифоқининг ушбу маблағи жуда зарур бўлган шошилич ёрдам, жумладан, кўрпа-тўшаклар, гигиена воситалари ҳамда уй-рўзгор буюмлари билан таъминлашга йўналтирилди.

Молиялаш Европа Иттифоқининг Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Жамиятлари Федерациясининг Фавкулдда вазиятларда ҳаракат қилиш жамғармасида жамланган маблағлари ҳисобидан ажратилди.



Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар дунёдаги энг йирик инсонпарварлик ёрдами ташаббускорлари ҳисобланади. Ёрдам одамлар ҳаётини сақлаб қолиш, инсонлар азоб-укубатларининг олдини олиш ва енгиллаштириш, шунингдек, табиий офатлар ва техноген инқиروزларга дучор бўлган одамларнинг саломатлиги ва кадр-қимматини ҳимоя қилишга қаратилган.

24.kz.



### ТikТокни муҳосара қилиш таклиф қилинмоқда

Қозоғистон ҳукуматида TikТок платформасини муҳосара қилиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Мутасаддиларнинг фикрича, ижтимоий тармоқлар орасида мамлакатда тарқатиш тақиқланган материаллар сони бўйича айнан TikТок етакчилик қилмоқда.

Қозоғистон Маданият ва ахборот вазирлигида ҳам ушбу масала муҳокама қилинмоқда. Бу ҳақда вазир Аида Балаева маълум қилди, деб ёзади Zakon.kz.

– Ҳозир бу масала ўрганилмоқда. Менимча, ушбу ижтимоий тармоқни муҳосара қилиш зарур, менинг вазир сифатидаги фикрим шу, – деди у.

Вазирнинг сўзларига кўра, ижтимоий тармоқларда гиёҳванд моддалар, порнографик ва экстремистик материалларни тарқатиш ҳолатлари кўпайган.

– Мониторинг тадбирлари шуни кўрсатадики, бугунги кунда ижтимоий тармоқларда ноқонуний контентлар сони ортиб бормоқда. Дунёвий миқёсда эса, кўриб туриб-сизки, ҳозир кўплаб давлатлар баъзи ижтимоий тармоқларни муҳосара қилишга ва ундан воз кечишга мажбур бўлмоқда, – деди А. Балаева.

Вазирнинг таъкидлашича, TikТок барча ижтимоий тармоқлар орасида мамлакатда тарқатиш тақиқланган материаллар сони бўйича етакчилик қилмоқда.

Ўтган ҳафтада Қирғизистонда TikТок муҳосара қилинди. Вазирликнинг қайд этишича, улар бу қарорни нодавлат-нотижорат ташкилотларининг бир қанча мурожаатларидан сўнг қабул қилишган. Мурожаатларда ушбу ижтимоий тармоқ болалар саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётганидан хавотир билдирилган.

Zakon.kz.

## КИЧИК ҚИШЛОҚНИНГ САЛОҲИЯТИ УЛКАН



Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди Кентов шаҳри Ашисай қишлоғи аҳолиси ва жамоатчилик фаоллари билан учрашиб, қишлоқни ободонлаштириш масалаларини муҳокама қилишди.

Қишлоқда болалар боғчаси, иккита мактаб, маданият уйи, кутубхона, иккита спорт майдончаси, почта бўлими мавжуд. Вилоят раҳбари маданият уйига бориб, унинг фаолияти билан танишиш ва аҳолининг тақлифларини тинглади. Улар газ таъминоти, йўл қурилиши, сайёҳликни ривожлантириш масалаларини кўтардилар. Ашисайликлар маданият уйини таъмирлашни илтимос қилди. Шунингдек, болалар оромгоҳларини очиб, дам олиш масканларини кўпайтириш, инфратузилмани яхшилаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Сўнг ҳоким "Ашисай" врачлик пункти ва "Сауле" болалар боғчаси ва саноат корхоналарининг фаолияти билан танишди.

Ашисай қишлоғида бугунги кунда 2 мингга яқин одам истиқомат қилади.

Қишлоқда жами 15,12 қақирим автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, унинг 11,7 қақирими асфальтланган. Қишлоқда 336та уй-жой бинолари, 13та давлат муассасаси, беш нафар тадбиркор фаолият юритмоқда. Қишлоқ электр энергияси ва ичимли сув билан таъминланган.

Ҳокимнинг тавсиясига кўра, Ашисай конлари имкониятларини ўрганиш юзасидан мутасадди вазирликка мурожаат йўлланганидан бўлди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

### • Обуна–2024

**Қадрли газетхон!  
“Жанубий Қозоғистон”  
рўзномасига обуна бошланди.**

Ҳиммат кўрсатаман, деганлар нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни газетга обуна қилишда ҳомийлик қилишлари мумкин.

Ягона мақсадимиз – газетанинг

ададини ошириб, кейинги авлодга ёруғ юз билан етказиш. Бунинг учун миллий ғурури юксак инсонлар сафини кенгайтириш лозим. Ана шу эзгу мақсад йўлида барчамиз бир тан, бир жон бўлиб, аҳилликда бирлашсак, нур устига аъло нур бўларди. Токи тарих, маданият, маърифатни улуглаган халқимизнинг зиёга чанқоқлиги барчага ибрат бўлсин.

6 ойга обуна баҳоси:

«Қазпошта» ҲҲ орқали – Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;  
Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466





